

▶ Давоми 2-бетда

МУЛОҚОТЛАР ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ МАВҚЕИНИ МУСТАХКАМЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Расмий Тошкент ва Белград ўртасидаги сиёсий мулоқот ҳам сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилимоқда. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида йўлга қўйилган мунтазам мулоқот бу борада муҳим қадамларга айлан-ди. Шундай қилиб, 2023 йил 20 август кунни Будапештда бўлиб ўтган Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Сербия Президенти Александар Вучич ўртасида қисқа суҳбат кечди. Етақчилар ўртасидаги навбатда-ғи учрашув 2025 йил 3 сентябрь кунни Пекин-да Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган парад пайтида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар томонларнинг ўзаро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва давлатла-раро мулоқотни фаоллаштиришдан манфаат-дорлигини тасдиқлади.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги маслаҳатлашувлар ўзаро ҳамкор-лиқни ривожлантиришга сезиларли туртки берапти. Масалан, 2017 йил август ойида Сербия ТИВ сиёсий директори ва Президентнинг Косово бўйича махсус вакили Зоран Вуйич Тошкентга ташриф буюрди. Ташриф давомида БМТ, ЕХҲТ ва ЮНЕСКО каби халқаро ташки-лотлар доирасида сиёсий мулоқот ва ҳамкор-лик истиқболлари муҳокама қилинди.

2021 йилда Тошкентда Сербия ТИВ дав-лат котиби Неманя Старович иштирокида сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. 2025 йил 9 октябрь кунни Ўзбекистон ва Сербия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида видео-конференция шаклида сиёсий маслаҳатла-шувларнинг иккинчи давраси муваффақи-ятли кечди. Сербия делегациясига Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Дамьян Йо-вич бошчилик қилди.

2025 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеяси доирасида икки мам-лакат ташқи ишлар вазирларининг учрашу-ви бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар Тошкент ва Белград ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг

янги архитектурасини шакллантиришда муҳим босқичга айланди.

2022 йилда икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ҳамкорлик ва идора-лараро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги про-токолнинг имзоланиши муҳим босқич бўлди. Ҳужжат томонларнинг мунтазам маслаҳатла-шувлар ўтказиш, маданий ва гуманитар му-лоқотни кенгайтириш ва сиёсий ҳамкорлиқни мустахкамлаш мақсадини тасдиқлади. 2025 йилда Ўзбекистоннинг Сербиядаги биринчи элчиси (қароргоҳи Будапештда жойлашган) тайинланиши икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим қадамга айналди. Янги элчи 2025 йил 7 июлда Сербия Президенти Алек-сандр Вучичга ишонч ёрлиқларини топширди. Бу икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривож-лантиришга қизиқиш ортиб бораётганининг яна бир далилидир.

2025 йил 27 октябрь кунни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Сербиянинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиси (қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган) Момчило Бабининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқотлар парламентлараро ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланиши билан янада чуқурлашмоқда. 2021 йилда Олий Мажлисида Сербия Миллий Ассамблеяси (парламенти) билан ҳамкорлик бўйича пар-ламентлараро гуруҳ тузилди. Бу давлатла-раро мулоқотни ривожлантириш ва қонунчи-лик тажрибасини алмашиш учун барқарор пойдевор яратди.

Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги сав-до-иқтисодий ҳамкорлик бу йўналишда катта истиқболлар мавжудлигини кўрсатмоқда. 2025 йил июль ойида Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов ва Сербия халқаро иқтисодий ҳамкорлик вазири Ненад Попович ўртасида онлайн музокара-лар бўлиб ўтди. Томонлар иқтисодий ҳамкорлиқни фаоллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўли-ши қутилаётган Савдо ва иқтисодий ҳамкор-лик тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш ва имзолашга келишиб олдилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Сербия капитали иштирокидаги саккизта корхона, жумладан, иккита қўшма корхона ва олтитта якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти фао-лият юритмоқда. Потенциал ҳамкорлиқнинг асосий йўналишлари машинасозлик, фар-мацевтика, қурилиш, енгил саноат ва таъ-лимдир. Ўзбекистон, шунингдек, минтақа бозорларига қиришни таъминлаб, Сербия учун Марказий Осиёдаги муҳим шерикка айланиши мумкин.

Маданий-гуманитар алоқалар Ўзбекис-тон — Сербия муносабатларида алоҳида ўрин тутadi. Сербия санъат усталарининг 2011 ва 2013 йилларда Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалидаги иштироки, шунингдек, сер-биялик теннисчи Божан Йовановскийнинг “Tashkent Open-2013” турниридаги ғала-баси икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик рамзига айланди.

Истиқболли йўналишлар қаторига таъ-лим алмашинувларини ривожлантириш, ака-демик ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш ҳамда ишончли мустаҳкамлайдиган қўшма мада-ний лойиҳалар кирadi.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — Сербия муносабатлари ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ривожланишга содиқликка асо-сланган янги босқичга қадам қўймоқда. Бу-гунги кунда икки мамлакат сиёсий мулоқот-ни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва маданий алоқаларни фаол-лаштириш учун кенг имкониятларга эга. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларини диверсификация қилишга қаратилган фаол ташқи сиёсат стратегиясини ҳисобга ол-ган ҳолда, Сербия Президенти Александар Вучичнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи янги истиқболларни очади ҳамда икки мам-лакатнинг минтақавий ва халқаро майдон-даги мавқеини янада мустаҳкамлайди деб ишонч билан айтиш мумкин.

“Дунё” АА

Муносабат

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ШЕРИКЛИК АМАЛИЙ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

КШХБ иқтисодий-ижтимоий ривожла-ниш учун аниқ йўл харитасини таклиф этиб, савдо ва инвестицияларни кенгайти-риш орқали янги иш ўринлари яратилиши, Европа Иттифоқи мамлакатларидан замо-навий технологиялар ва ноу-хау жалб эти-лишига хизмат қилади. Шу билан бирга, саноатни модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда қайта ишлаш соҳасида қиймат занжирларини узайтиришга замин ҳозирлайди.

Таълим, фан ва соғлиқни сақлашда-ги ҳамкорлик университетларор қўшма

Битим инфратузилмавий боғлиқликни кучайтиришга ҳам йўналтирилган. Европа Иттифоқининг Global Gateway ташаббуси ва Транскаспий транспорт йўлагига доира-сида логистика хаблари, “яшил” энерге-тика, сув ресурсларини бошқариш ва иқ-лимга мослашув бўйича қўшма дастурлар илгари сурилди. Бу экспортни диверси-фикация қилиш, ички бозорда рақобатни кучайтириш ҳамда сифат ва хавфсизлик стандартларини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

КШХБ, шунингдек, “яшил” ва рақамли трансформация учун зарур стратегик хо-машёлар соҳасида ҳамкорлик эшикларини очади. ЕИ — Ўзбекистон ўртасида 2024 йилда имзоланган англашув меморандуми

“Таълим, фан ва соғлиқни сақлашдаги ҳамкорлик университетлараро қўшма дастур, стажировка, илмий грант ва стипендиялар қўламини кенгайтиради. Рақамли иқтисодиёт ва “яшил” технологиялар бўйича Европа тажрибаси эса давлат хизматлари сифати ҳамда фуқаролар турмуш тарзига тўғридан тўғри ижобий таъсир кўрсатади.

дастур, стажировка, илмий грант ва сти-пендиялар қўламини кенгайтиради. Рақам-ли иқтисодиёт ва “яшил” технологиялар бўйича Европа тажрибаси эса давлат хиз-матлари сифати ҳамда фуқаролар турмуш тарзига тўғридан тўғри ижобий таъсир кўрсатади.

Хуқуқ устуворлиги, суд-ҳуқуқ ислохот-лари, коррупцияга қарши кураш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва кибер-хавфсизлик бўйича ҳамжиҳатлик бизнес учун ишончли ҳуқуқий муҳит ва узоқ муд-датли сармояларга мустаҳкам пойдевор яратади.

➡

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

асосида технологиялар занжиридаги боғ-лиқликни кучайтириш мақсад қилинган.

Имзолаш муносабати билан қабул қи-линган қўшма баёғнода томонлар ЕРСАни стратегик шерикликни чуқурлаштирувчи тарихий ҳужжат сифатида эътироф этди. Шу тарика халқаро ҳуқуқ, БМТ устави ҳамда давлатларнинг мустақиллиги, суве-ренитети ва ҳудудий яхлитлигига ҳурмат тамоийилларига содиқлик тасдиқланди. ЕИ — Марказий Осиё саммитида бел-гиланган мақсадлар, шу жумладан, Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган

ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИГА ҚАРАБ ФАОЛИЯТИМИЗНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚЯПМИЗ

Шу йил 14 октябрда Президентимиз раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда маҳалла ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бир қанча янги ташаббуслар илгари сурилди.



Халқимизда “Отанг ҳам, онанг ҳам маҳалла” деган ибора бор. Асрлар давоми-да шаклланган бу ҳаётий ҳақиқат замирида маҳалладаги ҳамжиҳатлик, бир-бирига суян-чиқ бўлиш, кичикларни эъзозлаш, катталарга ҳурмат, таълим-тарбия бериш каби эзгу фазилатлар мужассам. Бугун маҳалла фуқа-ролар йиғини фаолиятини аввалги тузилма билан қўйсалаб бўлмайдиган, албатта. Айниқ-са, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қў-йилган, аҳоли билан манзилли ишлаш ти-зими янги босқичга чиқди. Ҳар бир масала, муаммони жойига чиқиб ўрганиш, амалий ечимларни ҳамжиҳатликда топишга эътибор қаратяптимиз. Яқингача маҳалла раиси қан-дайдир маълумотнома беришдан нарига ўт-масди. Чунки ваколатимизда бундан бошқа имконият йўқ эди. Бугун маҳалла тавсияси, қўллаб-қувватлаши билан одамларга пул, асбоб-ускуна, хомашё бериляпти.

Бу тузилманинг ҳуқуқ ва ваколатлари яна-да кенгайтиди. “Маҳалла еттилиги” қўламини назар солган киши ўзинга хос иш тажрибала-ри, фаровонликка гувоҳ бўлади. Йилгилишда “маҳалла еттилиги” фаолияти қўлами билан боғлиқ қўллаб имконият, имтиёзлар, мавжуд муаммолар ечимига эътибор берилгани айни муддао бўлди. Хусусан, маҳалла аҳоли банд-лигини таъминлаш, камбағалликдан фари-воғлини сарфини етакловчи ишончли тузилмага айланди. Бу ҳозирги ишимиз қўламини яна-да кенгайтиради.

Шу ўринда маҳалламиз мисолида аҳо-лига берилаётган кўмак ҳақида тўхталсам. Йил бошидан бўён оилавий тадбиркорлик қилмоқчи бўлган 35 нафар ишсиз ташаббус-корга 453 миллион сўм имтиёзли кредит олиб берилди. Маҳалламизда хорижда юр-ган 121 та мигрант рўйхатга олинган эди. Бугунга қадар аксарияти оилалари бағрига қайтди. Уларга Сайхунобод тажрибаси асо-сида “Бизнесга бир қадам” дастури йўнали-шида томоққачилик, қорвачилик, хўнарман-длик ва бошқа соҳалар учун 825 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Маҳалладаги ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун банкир ва солиқчилар бириктирилди. Инфратузилмага ҳам алоҳи-да маблағ ажратилмоқда.

Донишмандлар китобсиз ўйни руҳсиз тананга қиёс қилган. Чунки китоб инсон та-факкурини шарқлайди. Уни юртпарвар, ва-танга садоқатли ва халқ хизматига масъул шахс қилиб тарбиялайди. Бундай эзгу ишлар маҳалламизда ҳам қўлоқ ёзди. Икки мингдан ортиқ китоб фондига эга маҳалла кутубхо-наси очилди. Буларнинг барчаси юртимизда халқни рози қилиш йўлидаги ислохотлар са-бабидир.

Шу кунгача “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатининг баҳорги мавсумида 6 минг тушган ортиқ мевали ва манзарали дархат экилиб, яшил белбоғлар яратилди. Ички электр тармоқларини янгилаш, қўшимча

трансформатор ва кўча чироқлари ўрнатиш юзасидан билдирган таклифимиз “Очиқ бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлиб, 1 мил-лиард 200 миллион сўмлик қурилиш-бунёд-корлик ишлари бажарилди. Маҳалламизда асфальтланмаган кўча қолмади.

Йиғилишда яна бир янгилик айтилди. Жорий йилдан бошлаб ер ва мол-мулк со-лиқларини тўланганлик даражасига қараб “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтинг-и эълон қилинадиган бўлди. Бунда 100 та-лиққа кирган маҳаллага “Ташаббусли бюд-жет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатиининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб бе-рилади. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади. Бу ҳам аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, маҳаллалар ободлиги йўлида қў-йилган муҳим қадам. Қонунчилик палатаси депутатларига ўз округидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бири-га 3 миллиард сўмдан бериляпти. Маҳалла ҳудудида санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилмоқда. 2026 йилдан бошлаб маҳаллалар бюджетига ҳар йили 200 миллиард сўмдан ажратиладиган бўлди. Бундай имтиёз ва имкониятлар ҳеч қачон бўлмаган.

Маҳалламизда боғдорчилик ривожла-ниб, 350 гектардан ортиқ ўрикзор бог барпо этилди. Риштонда машҳур бўлган субҳони ва қандак навли ўрик етиштириш, қуришти, қайта ишлашда қошқайроғонликлар мириш-кор. Ҳар йили ўрта ҳисобда 500 тоннадан ортиқ қуриштиланг ўрик ички ва ташқи бозор-га экспорт қилиняпти. Бу соҳада ҳали ишга солинмаган қатор имкониятларимиз бор.

Видеоселекторда “маҳалла еттилиги” айрим ҳолларда мавжуд имтиёз ва имкони-ятлардан самарали фойдалана олмаётгани, ташаббус кўрсатмаётганимиз қайд этилди. Масалан, маҳалламизда ҳам гавжум кўча, бўш ер ва бинолар бор. Аммо шу кунгача ундан мақсадли фойдалана олмаганимиз. Ви-деоселекторда айтилган фикр ва таклифлар-дан келиб чиқиб, бу жойларда янги лойиҳа ва инфратузилма тармоқлари фаолиятини йўлга қўиш борасида дастлабки ишларни бошлаб юбордик.

Кўтарилган масалалар шунчаки таклиф сифатида айтиб ўтилгани йўқ. Ҳар бир ма-саланинг аниқ ечими, етарли маблағ билан таъминлаш чоралари қўрилиб, масъуллар белгиланган. Шунга муносиб тарзда фаолия-тимизни қайта кўриб чиқяптимиз. Мақсадимиз халқни рози қилиш йўлидаги ислохотларга камарбаста бўлиш.

Дилмурод ҲАМРОЕВ,
Риштон туманидаги
“Қошқайрон” маҳалла
фуқаролар йиғини раиси

Бандлик

Беруний туманидаги “Хунарманд ҳожи она” корхонаси 2015 йилдан буён фаолият юритади. Унга 70 ёшни қаршилаган Жумагул Рейимбоева раҳбарлик қилади.

— Цехимизда кўрпа-ёстик, келинлар учун сарполар каби 20 турдаги маҳсулот чиқарамиз. Замонавий тикув машиналари ва ускуналарда 3 дақиқада битта кўрпа тайёр-ланади. — дейди хунарманд. — Бу бизга бир кунда 100 та кўрпача ишлаб чиқариш имко-нини беради.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ БИР ЖОЙДА

Жумагул момога кичиклигида онаси ти-кувчилик хўнарини ўргатган. Аёл умрини шу касбга бағишлади. Ҳалол меҳнат бил-ан рўзгорини обод қилди. Бугун у бош-қараётган корхонада 6 кишининг бандлиги таъминланган.

Тумандаги “Шимом” овул фуқаролар йиғини мажмуаси Президентимизнинг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислол тараққиёт бан-ки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғарма-си иштирокида “Қишлоқ жойларни барқа-рор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра бундй этилган. Мажмуа-да соғломлаштириш маркази, тикувчилик, касб-ҳунарга ўқитиш хоналари, гўзаллик са-лонии, нон ва ширинликлар тайёрлаш цехла-ри мавжуд.

— Бу ерда ўзини ўзи банд қилиш иста-гидаги хотин-қизларга тикув машинала-ридан фойдаланиш имконияти яратилган. Улар буюртма асосида кийим, пардалар

тикиб, даромад топади. Тикувчиликни ўр-ганиш истагидаги хотин-қизлар уч ойлик курсда ўқиб, диплом ва сертификат олади. Шу билан бирга, қандолатчилик, аёллар сартарошлиги ҳам ўргатилади. Тадбиркор бўлиш истагидаги шахсларга эса маҳалла-даги ҳоким ёрдамчиси субсидия ва имти-ёзли кредит олишда кўмак беради. Бун-дан ташқари, ишсиз аёлларнинг пишириқ тайёрлаб сотиши йўлга қўйилди. — дей-ди овулдаги хотин-қизлар фаоли Замира Рўзимова. — Масалан, ёш тадбиркор Сурайё Аминбоева 10 йилдан буён уйи-да турли ширинликлар пишириб сотарди.

Маҳалла мажмуасида унинг ишлаши ва фаолиятини кенгайтириши учун етарли шароит яратилди.

Бундай имкониятлар тадбиркорга қанот бағишлади. Ҳозир у нон ва ширинликларини дўконларга етказиб бермоқда. Айни пайтда кўп йиллик ҳаридорларининг тўй-тантала-лари учун ҳам буюртмалар қабул қилмоқда.

Марказий Осиё — ЕИ иқтисодий форуми ва Транскаспий боғлиқлик бўйича инвес-торлар форуми қўллаб-қувватланди.

Томонлар кибрхавфсизлик, терроризмга қарши кураш, чегара хавфсизлиги ва гибрид таҳдидларни бартараф этиш йўналишларида ҳамкорликни чуқурлаштириш, Global Gateway доирасида рақамли ва барқарор транспорт боғлиқлигини ривожлантириш ҳамда стратегик хомашёлар соҳасида ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга келишиб олди.

Париж келишувини тўлиқ бажариш, Ўзбекистоннинг Global Methane Pledge ташаббусига қўшилиши, сув-энергетика соҳасида инновацион ҳамкорлик ва Оролбўйи минтақасини тиклаш бўйича қўшма саъй-ҳаракатлар алоҳида қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, КШХБ ташқи сиёсий ютуқдан ортиқ — ички ислохотлар-ни жадаллаштирувчи самарали дастакдир. У халқ фаровонлиги, бизнеснинг рақо-батбардошлиги ва мамлакатнинг халқаро имижини оширишга хизмат қилади. Энди асосий вазифа — имзоланган мажбури-ятларни ўлчанадиган амалий натижа-ларга айлантириш ҳамда Ўзбекистон — Европа Иттифоқи шериклигини амалда янги босқичга олиб чиқиш.

Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази ижрочи директори



➡

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бетда

Муҳими, жамиятимизда экологик маданият ривожланиб борапти. Бугун битта дарахт кесилса, бирдан: “Нега кесилди?” деган оммавий сўров бошланади. Ортга қайтмас тус олган ушбу ислохотлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг муҳим йўналиши сифатида ҳам белгилаб қўйилди.

Ўнда қилиб айтганда, экологик ислохотлар кўлами шунчалик каттаки, натижадор кўрсаткичларни қисқа рақамларда санашнинг ўзи билан газетанинг барча саҳифасини тўлдириш мумкин. Бундан ҳақли равишда фахрланамиз, ютуқлардан қувонамиз. Айни пайтда ҳали олдинда бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам бор. Шу боис, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг учинчи йўналиши **“Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш”**, деб номланган.

Бу йўналишнинг номланиши бизни журналист сифатида мулоҳазага ундади. Нега сув ресурсларини тежаш биринчи ўринда айтилган? Атроф-муҳитни муҳофаза қилсак, сув ўз-ўзидан тежалмайdimи? Мана шу фикр инсон ва табиат муносабатлари, бизни кутаётган келажак, юқсалиш ҳақидаги мулоҳазаларга чорлади.

Бейхитёр ён-атрофни, одамларни, уларнинг сувга бўлган муносабатини синчилик билан кўзга бошладим. Ҳа, “сувни тежаш” ибораси бежиз биринчи ўринга чиқарилмаган. Очиги, жамиятимизда экологик маданиятни юксалтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмасини кучайтириш, тежамкор технологияларни кенг жорий этиш каби кечиктириб бўлмас қатор масалалар бор экан. Бундай долзарб мавзуларни оммага олиб чиқиш, муҳокамалар майдонига ташлаш, мутасаддилар, оддий одамларнинг диққатини бу — ҳаёт-мамонт масаласига қаратиш бевоқиф журналистларимиз олдиндаги ғоят долзарб вазифа ҳамдир.

Айни максадда “Янги Ўзбекистон” газетасида янги — СУВ ВА ҲАЁТ лойиҳасига **старт берилмоқда**. Ўнда кейинги йилларда сувдан оқилона фойдаланиш, қундалик турмушимизга ва қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, томчилатиб сугориш усулларидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бу борадаги илмий ёндашувлар, натижалар ва эътибор қаратиш зарур бўлган жихатлар соҳа мутахассислари, ҳурматли олимлар ва зиёлиларимиз фикрлари асосида кенг таҳлил қилинади. Айни пайтда ушбу чиқишлар орқали мамлакатимизда экологик маданиятни янада юксалтиришга ҳисса қўишни ҳам ният қилганмиз. Кимдир “Нега айнан сув масаласи?” деган саволни ўртага ташлаши мумкин. Куйида ушбу қаторга қилишимизнинг сабаби, яъни мавзунинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчимиз.

Сунъий интеллектга ҳам сув керак

“Сув — ҳаётдир” деган ҳикматни барчамиз эшитганмиз. Аммо унинг ҳаётимизда қанчалик аҳамияти борлигини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Буни нари борса, сувсизликдан азият чекишимиз, яшиллик олами камайиб кетиши билан боғлаймиз. Ҳа, бу аини ҳақиқат. Сув камаяверса, ичимлик сувни топиш муаммога айланади. Тоза ичимлик сувнинг йўқлиги эса турли хасталикларни, ҳатто юқумли касалликларни кўпайтиради. Ернинг чўлланиши ҳам инсон танасидаги хасталик каби заминимизни ғариблантириб боради. Озиқ-овқат тақчиллиги юзага келади. Мутахассислар айтишича, инсон қундалик эҳтиёжини қоплаш учун бир суткада 4-5 литр сув ичиши керак экан. Йўқса, тананим сувсизликдан турли хасталикка чангаркан. Сувни меъёрга ичиш эса теримизни тиниқлаштиришдан тортиб, мия фаолитимизгача ижобий таъсир қилади.

Шу ўринда битта факт. Сув Ернинг 70 фоизини қоплаган дедик. Одам танасининг ҳам қарийб 70 фоизи сувдан иборат. Шу жиҳатдан ер ва инсон бир-бирига ўхшайди. Қизиги, ернинг ҳам, одам танасининг ҳам чўлланиши оқибатида келиб чиқадиган муаммолари жуда ўхшаш. Масалан, кунига беш стакандан ортиқ тоза сув ичсангиз, юрак хуружи хавфи ортга чекина бораркан. Худди шунингдек, Она заминда сув қанча кўп бўлса, экологик инкироз шунчалик заифлашади. Демак, биз сувни тежаш билан бирга, ундан самарали фойдаланиш йўлини ҳам билишимиз керак бўлади. Афсуски, жамиятимиз буни ҳали тўла англаб етгани йўқ. Агар буни теран ҳис этганимизда эди, кўчаларимизда сувлар шунчаки оқиб ётмас, машинамизни уйда ювмас, умуман, сувга ҳозиргидай муносабатда бўлмасдик.

Пиеда сайр қилиш одатим бор. Бу нафақат соғлиқ учун фойдали, балки журналистнинг реал ҳаётга яқинроқ бўлишини ҳам таъминлайди. Масалан, йўл чеккаларида кўп кузатаман, дарахтлар ва яшил майдонларни сугориш тизими яхши ишламайди. Айрим жойларда дарахтлар қор-ёмғирдан бошқа сув кўрмагани шундоқ сезилиб туради. Ундан эзлик қадам нарига ўтсангиз, сугориш тизимининг вақтида ўчириб ёқилмаслиги, сув пуркагичларнинг нобоплиги сабаб асфальт ҳам ариққа айланади.

Биз Учинчи Ренессансни яратишда катта мақсад сари дадил боряпмиз. Демак, дунёқарашимиз ҳам, қундалик турмуш тарзимиз ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Биз энди чўлланишнинг замонавий оқибатлари ҳақида ҳам теран фикр юритишимиз зарур. Масалан, ҳозир чўлланиш оқибатида ернинг ҳосилдорлиги пасаяди, биохилма-хиллик йўқолади, ўсимлик ва ҳайвон турлари камаяди. Атроф-муҳитда экологик мувозанат бузилади. Қолаверса, ичимлик сув танқислиги кучаяди. Шу тариқа, иқтисодий инкироз ва иқлим миграцияси пайдо бўлади.

Мазкур муаммоларга замонавий технологиялар орқали ечим топиш мумкин, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Ҳа, технологиялар сувни тозалаб, қайта ишлатишимизда, уларни ақли назорат орқали бошқариб, тежамкорликни оширишда фойда беради. Аммо давр шуни кўрсатяптики, сувсиз қолсак ҳатто ўша технологиялар ҳам тўла қувват билан ишламаслиги мумкин экан.

Пиеда сайр қилиш одатим бор.

Бу нафақат соғлиқ учун фойдали, балки журналистнинг реал ҳаётга яқинроқ бўлишини ҳам таъминлайди.

Масалан, йўл чеккаларида кўп кузатаман, дарахтлар ва яшил майдонларни сугориш тизими яхши ишламайди. Айрим жойларда дарахтлар қор-ёмғирдан бошқа сув кўрмагани шундоқ сезилиб туради. Ундан эзлик қадам нарига ўтсангиз, сугориш тизимининг вақтида ўчириб ёқилмаслиги, сув пуркагичларнинг нобоплиги сабаб асфальт ҳам ариққа айланади.

Яқинда қизик фактга дуч келдим. Бугун барча соҳага кенг кириб бораётган сунъий интеллект ишлаши учун ҳам катта сув захираси зарур бўларкан. Бунга аниқлик киритиш учун сунъий интеллектдан жавоб изладим. Куйида унинг жавобини таҳрирсиз келтирамиз: *“Мен ишлайдиган катта сервер марказлари (data center) ишлаши учун жуда катта миқдорда электр энергияси сарфланади. Шу энергия иссиқликка айланиб, серверларни қиздириб юборади. Шунинг учун уларни доимий равишда совитиш керак.*

- Совитиш усуллари:
- хаво орқали совитиш — кондиционерлар, вентиляторлар орқали хаво айлантириш;
 - сув орқали совитиш — айрим дата-марказларда сув қуевулар орқали ўтказилиб, иссиқликни олиб чиқади. Шу жараёнда анча сув ишлатилади;
 - иқлимдан фойдаланиш — баъзи давлатларда (масалан, Финляндияда) совуқ ҳаводан ёки денгиз сувидан фойдаланилади.

Сув сарфи:

- классик сервер марказлари йилга миллионлаб литр сув ишлатиши мумкин;
- шу боис, айрим компаниялар қайта айлانувчи (recycling) сув тизимларини жорий қилмоқда, сув сарфини кескин камайтириш учун”.

Бу жавобдан сўнг “Сув — ҳаётдир” деган ҳикматнинг нечоғлиқ теран маънога эга эканини англадим. Ҳа, одам овқатсиз олти ҳафта яшайди. Аммо сувсиз бир ҳафтадан кўпга бардод бера олмайдим...

Тан олиш керак, бугун ривожланган мамлакатлар ўзининг сунъий интеллектга эга экани билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Чунки сунъий интеллектни бугун оддий усталар учун арифметик ҳисоб-китобни тезлаштиришда қанчалик қўл келаётган бўлса,



мамлакатлар мудоффа тизимида ҳам шунчалик аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам катта серверларга эғалик қилишга тараққиётнинг юксак чўққиси сифатида қаралиши табиий. Шу йил 21 октябрь кунин Президентимиз раислигида ўтказилган давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида бу фикр ҳам эътироф этилди. Соҳа ривож учун катта лойиҳаларга старт берилди. Жумладан, замонавий супер-компьютер кластерлари ва дата-марказларни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Қизик жиҳат шундаки, катта серверларни шомоллатиб совитиш тизими самарали ишлаши учун ҳам ташқаридаги ҳавода етарлича намлик бўлиши талаб этилади. Демак, ана шу мақсадга эришиш учун ҳам сувни тежашимиз керак!

Ўрни келганда яна битта фактни келтирсак. БМТнинг 2024 йилдаги ҳисоботида кўра, жаҳон миқёсида сувдан фойдаланишнинг тахминан 70 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келар экан. Ўзбекистонда фойдаланиладиган сувнинг 80 фоизи қўшни давлатларда, 20 фоизи эса мамлакатимиз ҳудудида шаклланади. Ана шу сувнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сарфланади. Келгусида эса бу кўрсаткичларга сунъий интеллект ҳам қўшилади. Чунки тараққиёт, давр талаби шунга олиб келади.

Мамлакатимизда эса қишлоқ хўжалигидан сув сарфини кескин қисқартириш имкони бор. Чунки ҳали-ҳамон фермерларимизнинг катта қисми далага ариқ тўла сувни тўқиб юборади. Айрим жойларда ернинг намлиги ёки экиннинг талабига қараб эмас, сувнинг келишига мослаб то-морқамизни сугоришимиз ҳам бор гап. Бу эса олдимизга бир қатор муҳим вазифаларни қўяди.

Биринчидан, томчилатиб, ёмғирлатиб сугориш тизимини жорий этишнинг янада самарали усуллари ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур.

Иккинчидан, деҳқончиликда замонавий билим ва кўникмаларни ўрганишимиз ва оммалаштириш эҳтиёжи бор. Яъни кам жойдан кўп ҳосил олиш, сувсизликка бардошли, самарадор навларни кўпайтириш борасида ҳам янгича ёндашувлар қилиш керак.

Учинчидан, сув тежашда замонавий технологияларни кескин ошириш зарур. Бунда, айниқса, қишлоқ хўжалигига жиддий эътибор бериш, сувни қайта ишлаш тизимини оммалаштириш муҳим.

Ўрни келганда айтиш жоиз, бу йилги давлат дастурида ҳудудларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни жадаллаштириш вазифаси кўрсатиб ўтилган. Республика бўйича жами 500 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш



бўйича манзилли рўйхат ишлаб чиқилган. Унга кўра, 74,7 минг гектарда томчилатиб, 35,2 минг гектарда ёмғирлатиб сугориш ишлари амалга оширилиши керак. Бунинг учун ilk амалий қадамлар ҳам ташланган. Бугунги кунда 19,2 минг гектар ерда сув тежовчи технология ишга туширилган.

Булар кишини қувонтирадиган рақамлар. Фақат бир савол бизни ўйлантиради. Кенг далаларда самара бераётган ушбу тизимдан шаҳарлардаги яшил майдон ва дарахтларни сугоришда ҳам унумли фойдаланасак бўлмайdimи? Ахир битта сувни сарфатиб берадиган тизимнинг нотўғри ўрнатилиши, ўз вақтида техник кўрик қилинмаслиги сабаб сув бор жойда кўчагача қўл пайдо бўлади. Тизим ишдан чиққан жойда дарахтлар таги қор-ёмғир ёғсагина намлик кўради. Назаримда, бундай саволлар барчани бирдек ўйлантиради. Демак, ҳурматли олимларимиз, соҳа мутахассисларидан қишлоқ хўжалигидagi сувни тежаш борасидаги янги ташаббусларни, мавжуд тизимни жамиятда оммалаштириш борасидаги фикрларни куттишга ҳақлимиз. Ва буни жуда тез амалга оширишимиз зарур. Ҳар бир кун ғанимат.

Шу ўринда яна бир факт. Давлат дастурида маҳаллий корхоналарнинг сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳам назарда тутилган. Айтилишича, 2025 йилнинг 22 апрель ҳолатига кўра, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг сони 60 тани ташқил этган. Маҳаллийлаштириш даражаси 80 фоизга, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 250-300 минг гектарга етказилган. Демак, мазкур соҳага ҳам берилаётган имкониятлар ва ундан самарали фойдаланиш, тадбиркорликнинг ушбу турини тарғиб этиш борасида чиқишлар қилишимиз зарурати бор. Эҳтимол, шу турдаги ишлаб чиқариш билан шугулланаётган тадбиркорларда ҳам соҳага янгилик олиб кириш борасида аниқ тақлифлар бордир?! Ҳа, сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш, халқаро стандартдаги талабларни ўрганиш ҳам катта бир мавзу.

Халқаро тажриба қандай?

Сувни тежаш деганда, узок йиллардан буён ичимлик сув жўмрагини очик қолдирмасликни, тиш ювишда сувни идишга қуйиб олиш каби маиший масалаларни ўртага олиб чиқамиз. Булар ҳам, ҳеч шубҳасиз, зарур чора-тадбирлардан ҳисобланади. Аммо сувни асраш уни камроқ ишлатишгагина боғлиқ эмаслигини тушуниб етишимиз керак. Масалан, глобал иссиқ ва сув танқислиги бир-бирига занжир ҳалқасидай боғлиқ. Табиатга чиқарилаётган зарарли газлар иқлим ўзгаришига, бу эса, ўз навбатида, сув тақчиллигига олиб келади. Сув камийиб борганини сари бугъланиш ҳам тезлашади. Яъни худди тепадан ташланган тош каби тақчиллик юзага келиши шу жараёни янада тезлаштиради.

Шунинг учун ҳам сувни бугун — борлигида асрашимиз керак.

Инсон соғлом умр кечирса, умри давомида тахминан 55-65 минг литр сув ичади. Жисмоний фаол, иссиқ иқлимда яшайдиган ва спорт билан шугулланадиганлар учун бу рақам яна 10-15 минг литрга кўпаяди. Дунёдаги ичимлик сувнинг 60 фоизи музликлардан келади. Глобал иссиқ эса ўша музликлар эришини тезлаштиряпти. Шунинг учун ҳам Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига жиддий эътибор бермоқда. Айнан дарахтлар, яшиллик дунёси, бугъланиш ни камайтиради. Ер ости суви кўпроқ сақланишига, зарарли газларнинг қисқаришига хизмат қилади. Демак, олдимизда нафақат Оролнинг қуриган туби каби чўл ҳудудларни, балки тоғ ва қирларни ҳам яшиллик дунёси билан бойитишда янгича ёндашувлар вазифаси борипти. Бунинг учун қор-ёмғир сувини тўплаб, қўчатларни сугориш тизимини токомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўрни келганда айтиш керак, денгиз, океан бўйидаги давлатларда ҳам қор-ёмғир сувини



тўплаб ишлатиш тажрибаси бор. Бизда ҳам аввал бу тизим бўлган. У, асосан, лалим жойларда деҳқончилик қилиш, чорва молларини сугориш учун қўл келган. Чўл жойларда сел йўлида тўгон қилинган. Уша ерда тўпланган сувдан чорва сугорилган. Сув тўпланадиган жойлар она тилимизда “қоқ” деб аталади. Сел суви қоққа ўзи билан турли минералларни ҳам олиб келади. Бу эса унумдорликни оширади. Нега бугун деҳқончиликда ушбу тажрибани оммалаштирмаслик керак?! Муҳими, ушбу амалиёт икки жиҳатдан фойда келтиради.

Биринчидан, деҳқончилик орқали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади ва иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Иккинчидан, катта сув тўпланган жойда ер ости суви кўтарилади. Бу ўз-ўзидан бугъланишни камайтиради. Шу орқали глобал иссиқнинг олдини олишда яхши самара беради. Аксинча, сел сувининг тезкор оқими ёмғирнинг самарадорлигини камайтиради. Сел жала ёғиши сабаб ҳосил бўлади. Жала ерга қаттиқ урилгани боис, тупроқ остига сувнинг сингиши қийин кечади. Тезкор оқим эса буни янада камайтиради. Оқибатда бугъланиш тезлашади. Яъни сел келганида катта оқимдаги сувнинг фойдасидан кўра зарари кўп. Шунинг учун олимлар селларнинг тез-тез ва кўп келишини қурғоқчилик аломати дейди. Демак, аждоқларимиз буни жуда яхши билган. Шу боис, қоқлардан унумли фойдаланган.

Шу ўринда яна бир қизик факт. Инсон танасидаги сув ва ёғ миқдори тескари пропорционал экан. Одамнинг мушак тўқималарида 75 фоиз сув бўларкан. Бу кўрсаткич ёғ тўқималарида тахминан 10-20 фоиз. Яъни танамиздаги ёғ сувни кам сақлайди. Назаримда, семизлик кўп касалликларга сабаб бўлиши танадаги сув миқдори билан боғлиқ. Оддий

мисол, сувни меъёрга ичиш юрак хуружини камайтиради. Семизлик эса бу касалликни авж олдиради. Халқимизда инсон семира бошласа, ўзини тиклаб олибди деган хато қараш бор. Бу худди жала ёғишдан хурсанд бўлишдай гап. Иккиси ҳам яхшиликдай кўринса-да, хасталикка сабаб бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, сув сарфининг катта қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келишини таъкидлаб, бу борада ҳам айрим фикрларни айтдик. Ўрни келганида ушбу йўналишда бажарилаётган айрим вазифаларни эътироф этиш керак. Масалан, давлат дастурида сув хўжалиги объектиларида автоматлаштирилган бошқарув тизимини жорий қилиш назарда тутилган. Қувонарлиси, бу борада жорий йилга мўлжалланган ишлар режа асосида бажарилмоқда. Унга кўра, шу йилда 12 та объект автоматлаштирилган бошқарув тизимига ўтказилади. Ҳозир уларнинг айримлари фойдаланишга топширилган бўлса, бошқаларида ишлар жадал давом этмоқда.

Бу ютуқлар ўзимизники, аммо дунё тажрибаси қандай? Очик манбаларда эътироф этилишича, сув тежаш борасида Исроилнинг ўзига хос тажрибаси бор экан. Масалан, ушбу давлатда аввал ишлатилган сувнинг 85 фоизидан кўпи қайта ишлаб, сугоришга йўналтирилади. Бу, албатта, қишлоқ хўжалигидан сувни барқарор таъминлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, исроиллик фермерлар сунъий интеллект асосида ишлайдиган технология ёрдамида дала ва экинларнинг реал вақт режимида таҳлилларини кузатиб боради. Яъни ушбу технология тупроқнинг намлик даражаси, об-ҳаво шароити ва экинларнинг сув эҳтиёжини кўрсатиб беради. Бундай таҳлиллар сувдан самарали фойдаланишни таъминлайди. Томчилатиб сугориш ва сувни смапт усулда бошқариш унинг сарфини 50 фоизгача камайтирар экан. Қолаверса, сувдан ўз вақтида етарли даражада фойдаланиш экинини меъёردaги намлик билан таъминлаш орқали ҳосилдорликни оширади.

Ечим ўзликка қайтиш ва замонга мослашишда

Сувдан самарали фойдаланишда шунча масала бор экан, бунинг ечими нимада деган ҳақли савол туғилади. Бу жуда оддий. Юқорида аждоқларимиз қоқлардан фойдалангани ҳақида айтдик. Демак, биз сув билан муносабатда асл илдизга, миллий ўзанимизга



2025 йил 29 октябрь, 221-сон

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



vuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЛОБАЛ САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугунги глобаллашган дунёда давлатнинг иқтисодий қудрати фақат табиий бойликлар билан эмас, балки уларни қайта ишлаш имконияти, илгор технологиялардан фойдаланиш ва юқори самарали меҳнат кучи билан баҳоланади. Ҳар бир жамиятнинг юқсалиши ва тараққиёти ҳам айнан шу яратувчанлик қуввати, инновация ва ижодий салоҳияти билан ўлчанапти. Бу моддий кўрсаткичлар билан бирга интеллектуал капитал ривожланишининг ифодасидир.

Бунга яққол мисол — Олмалиқда барпо этилган 3-мис бойитиш фабрикаси. Адирликлар бағрида қад ростлаган бу мажмуани ташқаридан кузатган инсон унинг ёнидан ҳайратланмай ўтолмайди. Бу фабрика иқтисодий мустақиллигининг янги даражаси сифатида эътироф этилиши билан бирга замонавий саноат ва технология ютуқларининг амалий тимсолига айланмоқда.

Фабрика қурилиши жараёнида энг илгор технологиялар ва юқори сифат стандартлари қўлланди. Бу объект нафақат саноат, балки стратегик аҳамиятга эга энг йирик лойиҳалардан бири қаторида тарихга кирди. Ушбу мажмуа яратувчанликнинг мустақкам кўриниши, келажак учун барқарор иқтисодий ва технология заминига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 29 июль куни Олмалиқ кон-металлургия комбинати негизда рангли ва қимматбаҳо ме-

талларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қилинаётган ишлар билан танишган эди. Ташриф давомида мамлакатимиз кон саноатидаги энг йирик “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш лойиҳаси доирасида янги қувват — 3-мис бойитиш фабрикасига ҳам тамал тоши қўйилганди.

Бу қадам иқтисодиётимизнинг муҳим бурилиш нуқталаридан бири бўлди. Чунки мазкур фабрика нафақат саноат қурилиши, балки инсон капитали ва миллий саноатни янги босқичга олиб чиқадиган стратегик ташаббус эди. Бу лойиҳанинг нақадар улканлигини қурилиш кўлами ва ҳажми мисолида ҳам билиб олса бўлади. Умумий майдони 196 гектарни ташкил этган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишида 23 мингдан зиёд қурувчи ва мингдан ортиқ махсус техника иштирок этди. Қурилиш жараёнида 788 минг куб метр бетон, 109 минг тонна арматура, 69 минг тонна технологик ускуна ва 65 минг тонна металл



конструкция ишлатилди. Шунингдек, 279 минг метр технологик қувур, 1,36 миллион метр электр ва 714 минг метр автоматлаштириш кабеллари ётқизилди. Мазкур лойиҳага сарфланган металл конструкциялар билан ўнга Эйфель минорасини қуриш мумкин. Темир-бетон сарфи эса

қарийб 2,5 та Бурж халифа иншооти қурилишига баробар. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ лойиҳанинг кўламини очиб беради.

3-мис бойитиш фабрикаси саноат объекти бўлиш баробарида Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қудрати ва давлатнинг глобал бозордаги рақобатбардошлиги

рамзи ҳамдир. У ишга туширилиши билан жаҳон бозоридagi мис нархи ўсиш тенденцияларидан самарали фойдаланиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имконини беради. Бу ерда саноат фақат машина ва металлдан иборат эмас, балки инсон ақли, меҳнати ва тафаккури ҳам бирлашади.

— Бу фабрика йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга. У бутун Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуа бўлиши кутилмоқда, — дейди 3-мис бойитиш фабрикаси директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Шерзод Мирсиддиқов. — Фабрикада йилига 900 минг тоннага яқин мис концентрати ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг март ойида фабрикада илк мис концентрати муваффақиятли ишлаб чиқарилгани лойиҳа босқичма-босқич ва юқори сифат билан амалга оширилаётганининг ёрқин исботидир. “Ёшлик-1” конидан қазиб олинган 1,3 миллион тоннадан ортиқ маъдан дастлаб кон ҳудудида майдалаш жараёнидан ўтказилиб, фабрикага етказилди. Натижада 17 минг тоннадан зиёд мис концентрати ишлаб чиқарилиб, мис эритиш заводига юборилди. Фабриканинг ютуғи фақат ишлаб чиқариш ҳажмида эмас, балки жаҳоннинг етакчи саноат компаниялари технологиялари, автоматлаштириш тизимлари ва рақамли бошқарув ечимларининг ягона занжирда мужасамлашганида намоён бўлади.

Мажмуа дунё тоғ-кон саноатидаги энг илгор техника ва инновацияларини қамраб олган ҳолда Ўзбекистонни глобал саноат пиллапоёсида янги босқичга кўтармоқда.

Фабриканинг ўзига хослиги — тўлиқ автоматлаштирилган бошқарув тизимида. Замонавий рақамли ечимлар ва сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда бу тизим корхонанинг бутун технологик циклини — рудани ташиш ва майдалашдан тортиб, бойитиш, сув таъминоти ва чиқиндиларни чиқиндиҳоналарга олиб кетиш жараёнигача қамраб олган.

Марказий диспетчерлик пунктидан бутун технологик жараён кўриниб туради. Энергия ҳисоби, руда сарфи, сув таъминоти ва ёрдамчи участкаларнинг иши бўйича маълумотлар битта экранда акс этади. Асосий кўрсаткичлар — энергия сарфи ҳажмидан тортиб, двигателъ подшипникларининг ҳароратигача — реал вақтда кузатилиб, хавфларни олдиндан аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фабрика тўлиқ қувватга киргач, 3670 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Ҳозир эса 1250 нафар ходим фаолият юритмоқда. Уларнинг кўпчилиги 35 ёшгача бўлган мутахассислардир. Ишчилар “Муҳандислар мактаби” ва “Олмалиқ КМК” таркибий бўлинмаларида малака оширмоқда. Бу эса инсон капитали ривожланишининг янги босқичини кўрсатади — саноат технологияси энди нафақат машиналар, балки тафаккур, ирода ва маҳорат билан ҳам боглиқ.

“Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида 3-мис бойитиш фабрикаси ҳудудида кенг кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Томчилатиб сугориш тизимлари ва эко-дизайн ечимлари саноат ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Бу жараёнда иқтисодий манфаат билан экологик масъулият бирлашган.

Қисқаси, мазкур фабрика бугунги Ўзбекистон саноат ривожининг янги даврини бошлаб берган тарихий лойиҳалардан бири. Шунингдек, мажмуа нафақат иқтисодий қувват, балки инсон салоҳияти, меҳнат маданияти ва яратувчанлик тафаккурининг амалий ифодасидир.

Фабрика ишга тушиши билан мамлакат саноатида янги ишлаб чиқариш заңжари шаклланди, минглаб иш ўринлари очилди, ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси тубдан янгиланди. Бу жараён ижтимоий ривожланиш нуқтани назаридан ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

3-мис бойитиш фабрикасида жорий этилган замонавий технологиялар, рақамли бошқарув тизимлари ва экологик ечимлар бугун миллий саноатнинг янги қиёфасини яратмоқда. Бу ерда ҳар бир жараён ишонч, масъулият ва замонавий ёндашув асосида ташкил этилган.

Энг муҳими, мажмуа орқали Ўзбекистоннинг саноат салоҳияти янада мустаҳкамланиб, мамлакатнинг глобал бозордаги нуфузи юксалмоқда. Бу улкан фабрика маъданни қайта ишлаш билан бирга юртимиз тараққиёти, халқимиз меҳнати ва янги авлод муҳандисларининг тафаккурини бойитади.

Бу фабрика бугунги Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги янгилишни ва яратиш салоҳиятининг ёрқин тимсоли, эртанги иқтисодий қудратимизнинг мустақкам пойдеворидир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида йил якунига қадар 60 та туман ва шаҳарни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш назарда тутилган. Бу бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Мазкур рўйхатга Шахрисабз ҳам киритилган. Шу боис, ушбу шаҳарда қарор ижросини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишлари бажарилмоқда. Таҳлилларга кўра, ўтган саккиз ойдан кўпроқ вақт мобайнида сезиларли натижага эришилган.

Шаҳар марказидаги каттагина иншоот анча вақтдан буён хувиллаб ётган эди. Бир пайтлар бу бино энг гавжум масканлардан бўлган. Чунки бу ерда тикув фабрикаси фаолият юритиб, 300 дан ортиқ киши меҳнат қилган. Кейинчалик фабрика тугатилиши оқибатида бино ҳам шу ҳолича қолиб кетди. Қаровсиз тўрт қаватли бино Шахрисабзнинг юзидати дотга айланди. Бунинг учун қандайдир чора кўриш лозим эди. Аммо қандай? Охири бино аучонида сотиладиган бўлди. Харидор учун имтиёзли нарх белгиланиб, янги иш ўринлари очиш шарти қўйилди.

Орадан кўп ўтмай, ёш тадбиркор бинони оладиган бўлди. Ишга киришиб, қисқа муддатда эски фабрикани қайта ишлатиш ҳаракатидаги тақдир. Юртимизда тадбиркорларга яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, янги тикув машиналари олиб келди. Дастлаб ўнга яқин хотин-қизни ишга қабул қилиб, турли буюртмалар асосида хизмат кўрсата бошлади. Аста-секин фаолиятини кенгайтириб, “Садо” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Қисқа вақтда ишчилар ҳам, шунга яраша ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайди.

— Биз фойдаланаётган бино 1991 йилда тикув фабрикаси сифатида ишга туширилган, — дейди “Садо” МЧЖ раҳбари Жамшид Каримов. — Беш-олти йилгина фойдаланилган, холос. Кейин ташландиқ бўлиб қолган. Тикувчилик билан шуғулланишимиз учун бино анча қўлай. Сабоби иншоот шунга мослаб қурилган. Ҳозир 200 га яқин хотин-қизнинг бандлигини таъминлаганимиз. Барча шaroит яратилган. Олисдан қатновчилар учун автобус хизмат кўрсатади. Бажарилган иш ҳажмига қараб маош тўланмоқда.



ШАХРИСАБЗ — ИМКОНИЯТ ВА ФАРОВОНЛИК МАНЗИЛИ

Яқинда Туркиядан янги ускуналар олиб келди. Натижада бир ойда ўртача минг дондан ортиқ тайёр кийим-кечак тикилмоқда. Махсулотларимиз тўлиқ Россияга экспорт қилинмоқда.

Жамият раҳбарияти ташаббуси билан янги лойиҳага қўл урилди. Хориждан янги тикув машиналари харид қилиниб, хизматлар сони оширилди. Бу лойиҳа ишга тушгач, қўшимча 100 та иш ўрни очилди. Демак, жорий йил якунига қадар шу ернинг ўзида 300 хотин-қиз меҳнат қилади. Тикувчеи ишчилари ўртача 3-4 миллион сўм атрофида маош олмақда.

— Мактабни тугатганимда тикувчилик йўналиши бўйича таълим олиб, ҳунар ўргангандим, — дейди Назира Пардаева. — Ўша пайтда иш излаб топа олмадим. Анча вақт ишсиз юрдим. Кейин бу ерда янги цех очилаётгани ҳақида эшитдим. Ҳунарни борлиги боис, дарров ишга қабул қилиндим. Бутун энг фаол тикувчилардан бириман. Шаронтимиз яхши. Вақтида маошимизни оламиз. Иш топиб, рўзгорга нафим тегаетганидан хурсандиман.

Файзи ота ёши 50 га яқинлашганида бу дардни сеза бошлаган эди. Негадир тез қадам ташласа, нафас олиши қийинлашарди. Хансираб, чарчаб қоладиган бўлди. Аввалга ўтиб кетар деб юрди. Вақт ўтгани сари дард авж олса олди, қамаймади. Шунда ҳам отахон даволаниб, дори-дармон ичиб юрди. Пенсияга чиқиб, ёши 60 дан ошганида сал юрса, баттар толиқадиган бўлиб қолди. Охири шифокорга кўриниш учун шаҳар марказидаги шифохонага йўл олди. Текширувдан ўтди. Турли аппаратлар орқали текширилди. Таҳлилларга кўра, юрак-қон томир касаллиги борлиги ҳақида тахсис қўйилди. Имкони бўлса, дарҳол жарроҳлик амалиётини ўтказиш керак эди. Лекин бу осон эмасди. Биринчидан, бунинг учун олис шаҳарга бориш даркор. Иккинчидан, узоққа бориш учун куч-қувват керак. Шуларни



ўйлаган Файзи отанинг кайфияти тушди. Ўзини чорасиздек сезди. Фарзандлари бу ҳолатда нима қилишга боши қотиб, бирор имкони топилавер деган умидда отани тушунқликка туширмасликка уринарди. Орадан кўп вақт ўтмай, Шахрисабз шаҳрида юрак-қон томир касалликларига ихтисослашган замонавий клиника очилаётгани ҳақида хабар тарқалди. Буни эшитган Файзи ота ҳам клиника томон шошилди.

— Замонадан айланай, қаранг, шаҳримизда аjoyиб шифохона ишга тушибди, — дейди Файзи ота Қайумов. — Ҳамма имконият бор экан. Шу ерда даволанаман. Шифокорлари ҳам тажрибали. Анча вақтгача олиста бориб, дардимга шифо топиб келиш ҳақида ўйлардим. Ўн беш дақиқалик йўл юриб келдим. Ҳа, узогимиз яқин бўлди. Менга ўхшаб бошқа жойга боролмаганлар қанча?!

“Shakhrisabz medcenter” МЧЖга қарашли мазкур клиника жорий йилда хориж

инвестицияси асосида очилган. Бу ерда 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хонаси, 100 дан ортиқ шифо ўрни мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардиожарроҳлик амалиётини ўтказиш имконияти яратилган. Бунинг учун ҳозир чет элдан малакали шифокорлар жалб этилган.

— Клиникамизда стентлаш, аорта коронар шунтлаш, тугма нуқсонларни бартараф этиш, эндопротезлаш каби муолажалар учун имконият яратилган. Шунингдек, бу ерда юқори аниқликда ишлайдиган тахсис хизмати ҳам бор. Масалан, замонавий эхокардиография ускунаси сунъий интеллект ёрдамида ишлайди, — дейди “Shakhrisabz medcenter” МЧЖ директори Жаҳонгир Шукруллаев. — Давлатимиз раҳбари жорий йил июнда Қашқадарёга ташрифи чоғида клиникамиз имкониятлари билан танишиб, қатор кўрсатмалар берган эди. Шу асосда

қулайликлар янада кенгайтирилмоқда. Беморлар учун шароитлар яхшиланмоқда. Мухими — одамларнинг дардида дармон бўлиш. Асосий мақсадимиз эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдир.

Клиникада 40 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган. Кейинчалик шифохона тўлиқ қувватда ишлаши натижасида яна 60 та иш ўрни очилди.

Бундан беш-олти йил олдин Шахрисабзда хизмат кўрсатиш соҳаси унчалик яхши эмасди. Биргина жамоат транспортда ечимини кутаётган талай масалалар бор эди. Нафақат шаҳар ички, балки бошқа туман ёки вилоятларга бориш учун ҳам йўловчи бекатлари ташкил этилмаганди. Бир пайтлар қурилган шохбек эътибордан четда қолиб, белгиланмаган жойларда ноқонуний автокураторҳоқлар пайдо бўлди. Бу йўловчилар учун анча ноқулайлик келтириб чиқарди. Бутун бир тадбиркорнинг ташаббуси билан барчасига барҳам берилди.

2019 йили “Абдуззафар ҳамкор” МЧЖ раҳбари қаровсиз ётган автобус бекатини 20 миллилард сўм инвестиция киритиш шарти билан олади. Ўша пайтда кўпчилик бу осон эмаслигини тахмин қилган эди. Аммо “Қаловини топансиз, қор ёнади” деганларидек, энг шимариб ишга киришган тадбиркор, аввало, бекатни ташмирдан чиқарди. Йўловчилар кутуш жойини замон талабларига мослади. Такси тўхташ жойларида керакли хизматларни йўлга қўйди. Хайдовчилар дам олиш учун хоналар ажратиб, машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Ресторан, меҳмонхона қурилди. Эски автобус бекати, умуман, янги қиёфга кирди. Жорий йил июнида жамият ташаббуси билан янги лойиҳага қўл урилди. Яъни илк марта шаҳар ички қатновни учун Хитойдан 20 та автобус олиб келинди. Бутун замонавий автобуслар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Мактабда ўқитувчи бўлиш ишлайман, — дейди Алишер Жўраев. — Мактаб уйимдан бир оз узоқда жойлашган. Шу боис, ҳар куни

йўналишли такси — “Дамас”да қатнардим. Бу анча нуқулай. Тартибсиз ҳаракатланадиган йўналишсиз таксилар кишини хавотирга солади. Автобус қатновни йўлга қўйилгани жуда яхши бўлди. Ҳозир ҳар куни автобусда ишга қатнашман. Тўлов арзон ва қўлай. Ёзда совиткичи доим ишлаб туради. Тоza ва шинам. Кишининг кайфияти кўтарилади. Олдин йўлжир учун бир қунда 10 минг сўм сарфлаган бўлсам, ҳозир 4000 сўмга ҳам етмайди. Бу мен каби ҳар куни қатновчилар учун анча фойдали.

Ушбу ташаббус сабаб 50 дан зиёд киши ишли бўлди. Уларнинг ўртача маоши 4-5 миллион сўм қилиб белгиланган. Бундан ташқари, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариш учун қўшимча имкониятлар яратиб берилган.

— Автобусларимиз ҳар куни 15 мингдан зиёд одамга хизмат кўрсатапти, — дейди “Хуמוнон” МЧЖ директори Жаҳонгир Юсупов. — Бу хизмат тури шу пайтга қадар бўлмагани учун шаҳарда талаб юқори. Шунини инобатга олиб, йил охирига қадар яна 40 та автобус олиб келишни режалаштирганимиз. Шаҳарнинг ички қатновни тўлиқ қамраб олингач, туман ва шаҳарлараро йўналишларда хизматларни йўлга қўямиз. Бу ишлар келгуси йилда бажарилиши мақсад қилинган. Яқин икки йилда корхонамизда жами 300 га яқин кишининг бандлиги таъминланади.

Шахрисабз шаҳрини жорий йилда камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида янги-янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Жорий йил бошида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, январь-июнь ойларида 580 та оиланинг 2657 аъзосини камбағалликдан чиқариш режа қилинган. Саёб-ҳаракатлар натижасида амалда 967 та оиланинг 4283 аъзоси камбағалликдан чиқарилган. Жумладан, 344 киши доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 130 нафарига имтиёзли кредит, 15 кишига субсидия ажратилган. Шунингдек, 745 фуқаро тадбиркорликка жалб этилган. Қолганларнинг ўзини ўзи бандлигини таъминлашига қўмак берилган.

— Шаҳримиз доим меҳмонлар билан гавжум, — дейди Шахрисабз шаҳри ҳокимининг биринчи ўринбосари Ахамурод Узоқов. — Шу боис, биринчи навбатда, туризм хизматлари сифатини ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти мавжуд. Масалан, ҳозир тадбиркорларимиз асосан сайёҳлар учун турли махсулотлар ишлаб қайратпти. Савдо шохобчаларини очиб, янги иш ўринлари яратмоқда. Бундан ташқари, “маҳалла еттичилиги” кўмагида жойларда аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши учун қатор қулайликлар ҳозирланмоқда. Имтиёзли кредитлар ажратилиб, тегишли маблағлар ва тасвиялар берилади. Шаҳримизнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий қиёфасини беш-олти йил олдинги ҳолат билан солиштирсак, анчагина янгиликлар бўлгани яққол кўринади. Бу, биринчи навбатда, аҳолининг яшаш тарзида намоён бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар натижа-сида жорий йил якунида шаҳримиз камбағалликдан холи ҳудудга айланади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугунги кунда меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасидаги мувофиқлик жамият тараққиётининг бош мезонига айланди. Замонавий иқтисодиёт учун билимнинг ўзи етарли эмас, уни амалиёт билан уйғунлаштира оладиган кадрлар керак. Шу боис, таълимдан ишлаб чиқаришгача бўлган йўлни ягона рақамли механизмга боғлаш гоёсига давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу жараён техник янгиланиш билан чекланмайди, у бошқарув маданиятини, меҳнатга муносабатни, инсон қадриятини янгича талқинда ифодалайди.

Шарҳ

Ўз йўлини излаётган битирувчи, иш топишга уринаётган йигит-қиз, маалаки кадрга эҳтиёж сезаётган корхона — уларнинг йўли бир тизимда туташса, бу қўлайликдан ҳам кўра кенгроқ маъно касб этади. Ўзбекистон сўнгги йилларда айнан шу уйғунлиқни топишга интилмоқда. Таълим тизimini янгиллаш, рақамли бошқарувни жорий этиш, ёшларнинг меҳнат бозоридagi ўрнини аниқлаш бўйича кетма-кет қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, олий таълим тизими бугунги кунда нафақат билим берувчи, балки кадрлар оқимини шакллантирувчи муҳим механизмга айланган.

Битирувчи дарсни тугатган заҳоти меҳнат бозорига киради, шу пайтда давлат учун ҳам, таълим муассасаси учун ҳам унинг тақдирини эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу зарурат Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги “Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг амалиёт ўташи ва уларни ишга жойлаштириш тизимини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинишига сабаб бўлди. Қарор таълим ва меҳнат тизимини ягона рақамли механизмга бириктиришни кўзда tutadi.

Бу ҳужжат орқали давлат икки йиллик стратегик мақсадни рўйбга чиқармоқда: бир томондан, ўқув жараёнини реал ишлаб чиқариш билан боғлаш, иккинчи томондан эса битирувчиларни ишга жойлаштиришда электрон назорат тизимини жорий этиш. Шу тариқа таълим муассасалари, иш берувчилар ва давлат органлари ўртасида ахборот оқими ягона йўналишга тушади.

Ҳужжат Президентимизнинг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан узвий боғлиқ. Президент ҳужжатида ёшларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш, уларга замонавий меҳнат кўникмаларини ўргатиш, таълимдан сўнг бандлиқни кафолатлайдиган механизм яратиш вазифаси қўйилган эди. Қарор ана шу вазифаларнинг амалий ифодаси бўлиб, у жараёнини тартибга солувчи аниқ воситани белгилаб берди.

Янги тартибнинг асосий гоёси — битирувчини тизим марказига қўйиш. Унда белгиланганидек, рақамли хизматлар инсон ҳаётининг барча жабҳасига сингдирилиши керак. Таълим ва бандлик жараёнининг энг фаол йўналишларидан бўлиб, битирувчининг ҳаёт йўлида рақамли тизим билан



биринчи учрашуви айнан шу босқичда содир бўлади. Таълим ташкилоти амалиёт ўтайдиган корхона билан электрон шаклда шартнома тузади, корхона эса, ўз навбатида, тизим орқали зарур кадрларга бўлган эҳтиёжини билдиради. Шу жараёнинг ўзи ўқиш, амалиёт ва ишга жойлашув босқичларини ягона занжирга айлантиради.

Бу ёндашув давлат сиёсатида сўнгги йилларда шаклланаётган “рақамли трансформация” гоёсига ҳамоҳанг. Таълим, бандлик ва иқтисодиёт ўртасида реал маълумот алмашинуви бўлмагунча кадрлар сиёсатида аниқлик юзага келмайди. Шу боис, “Ягона миллий меҳнат тизими” (IDAK) орқали бу жараёни бошқариш давлатнинг янги авлод бошқарув моделига ўтиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Битирувчини иш билан таъминлаш улуғсиз бошқариладиган тизим шаклига келтирилмоқда. Меҳнат бозори рақамли тарзда кузатилади, корхоналарнинг кадрларга эҳтиёжи автоматик равишда таҳлил қилинади, таълим муассасалари натижалдорлиги эса реал рақамлар асосида баҳоланади.

“Ягона миллий меҳнат тизими”

Қарорга кўра, энди таълим ташкилоти ҳар йили 1 октябрга қадар “Ягона миллий меҳнат тизими” базасига кирган корхоналарга электрон сўров юборади. Шартнома амалиёт бошланишидан камиди уч ҳафта олдин электрон тарзда расмийлаштирилиши керак. Шунингдек, битирувчилар ҳақидаги барча маълумотлар таълим ташкилоти томонидан якуний аттестация натижаларига асосланиб тизимга киритилади. Мамлакат миқёсида реал вақт режимида кадрлар ҳаракати кузатилади. Давлат меҳнат бозоридagi ўзгаришларни кузатиб, зарур чора кўриш имконига эга бўлади. Ҳар бир битирувчи ҳақида шаклланган электрон маълумот базаси кейинчалик унинг касбий фаолиятини баҳолашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Янги тизимда корхоналар фаол иштирок этади. Улар ҳар ойнинг 25-санасигача ўзлари учун зарур кадрлар, вакант лавозимлар ва ишлаб чиқариш имкониятларига оид маълумотларни платформага жойлаштиради. Шу орқали корхона билан таълим муассасаси ўртасида бевосита алоқа йўлга қўйилади,

талаб ва таклиф тўғрисида рақамли майдонда учрашади.

Битирувчи ишга қабул қилинган, унинг меҳнат шартномаси тизимда рўйхатдан ўтади. Шу билан у “бандлиги таъминланган” сифатида белгиланади. Ушбу механизм ёшлар бандлигини назорат қилишнинг энг ишончли воситасига айланади. Агар битирувчи ҳали иш топмаган бўлса, унинг маълумоти платформадан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборот базасига ўтади. Натижада давлат идоралари ўртасида ахборот алмашинуви тезлашади, бўш кадрлар захираси аниқ кўринади, янги иш ўринлари режалаштирилади.

Тизимнинг яна бир устунлиги — идоралараро интеграция. IDAK платформаси Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Электрон ҳукумат” тизими ва бошқа маълумотлар базалари билан боғланади. Бундай интеграция 2026 йил 1 январга қадар якунланиши керак. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб эса барча жараёнлар тўлиқ рақамли форматда юритилади.



Бу, ўз навбатида, таълим ва бандлик сиёсатини рақамли таҳлилга асослаб бошқариш имконини яратлади.

Меҳнат бозоридagi янги тартиб

Қарорнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини баҳолаш учун уни фақат техник тизим сифатида кўриш етарли эмас. У инсон ҳаёти, жамият маданияти ва давлат бошқарувида бевосита таъсир кўрсатадиган ислохотдир. Ушбу ҳужжат меҳнат бозорига янги тартиб ўрнатади. Энди битирувчи ўз йўлини аниқ механизм орқали белгилайди. Таълим муассасаси учун бу натижадорликни ўлчовчи мезон, корхоналар учун эса зарур кадрни топишнинг тез ва шаффоф усули ҳисобланади.

Ижтимоий томондан тизим ёшларда ишонч уйғотади. Ўқишни тугатган битирувчи иш топиш учун алоҳида изланмайди, чунки унинг маълумоти алақачон платформада мавжуд. Ҳар бир талаба ўз электрон изи орқали кўринади, корхона шу маълумотдан фойдаланган ҳолда уни топади, давлат эса бандлик ҳолатини кузатади. Шу тарзда ёшлар амалиёт жараёнида ўзини синаш ва тажриба тўплаш имконига эга бўлади.

Таълим муассасалари учун тизим янги масъулият даражасини келтириб чиқарди. Энди битирувчининг ишга жойлашуви ўқув дастурининг реал натижасига айланади. Қайси йўналишдаги мутахассис тезроқ иш тояпти, кимнинг амалиёти самарали кечди — буларнинг барчаси тизимда кўринади. Шу сабабли ўқув дастурлари меҳнат бозори эҳтиёжларига мослашиб боради.

Корхоналар нуқтани назаридан, бу қарор кадр танлашда аниқ ва тартибли механизм яратди. Ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва хусусий сектор ўз эҳтиёжларини платформада эълон қилади. Талаба йўналишига мос амалиёт жойини танлайди, корхона эса ўзига керакли ёш мутахассисни шу тизимдан топади. Шу жараён натижасида меҳнат бозори барқарорлашади, танлов адолатли бўлади, инсоний омиллар камаюми.

Иқтисодий жиҳатдан тизим ишлаб чиқариш билан таълим ўртасидаги узвийлиқни мустақкамлади. Битирувчилар ишлаб

чиқариш шароитида амалиёт ўтаётгани сабабли улар тайёр кадр сифатида ишга киради. Бу корхоналар учун сифатли ишчи кучи, давлат учун эса меҳнат унумдорлиги орттишини аниқлатади. Бандлик даражаси, кадрлар оқими ва соҳалар кесимидаги таҳлиллар энди реал вақт режимида шаклланади. Шу орқали иқтисодий режалаштириш аниқ маълумотларга таянган ҳолда олиб борилади.

Тизимнинг ижтимоий фойдаси шундаки, у битирувчининг жамиятдаги ўрнини топиш жараёнини енгиллаштиради. Ҳар бир ёш ўз меҳнати ва касбий йўлини тизим орқали кўради. Шу йўсинда таълим сиёсати билан бандлик сиёсати бир мақсадга хизмат қилади. Натижада жамиятда ишонч муҳитини мустаҳкамловчи янги механизм шаклланади.

Халқаро тажриба қандай?

Тизимни халқаро тажриба билан солиштириш аниқ кўрсаткичлар билан янада равшанлашади. Германияда касбий таълимнинг дуал модели мавжуд. Федерал статистика идораси маълумотига кўра, 2022 йилда шу тизимда 468,9 мингта янги шоғирдик шартномаси тузилган. 2024 йилда тариф



асосидаги ўртача ойлик шоғирдик тўлови 1133 еврога етгани (йилига 6,3 фоиз ўсиш) ҳам корхоналар учун кадр тайёрлашга рағбат кучаяётганини кўрсатади.

Европа Иттифоқида ўрта касбий таълимни яқинда тамомаганлар бандлиги юқори даражада. Eurostatнинг 2023 йил кўрсаткичлари бўйича бу гуруҳда бандлик 81 фоиз атрофида қайд этилган, 2024 йилда кўрсаткич 80 фоиз бўлиб турибди, тенденция сўнгги йилларда барқарор. Бунда мамлакатлар кесимидаги тафовутлар сақланади, лекин умумий натижа кўрсатадики, касбий йўналишдаги ўқишдан кейин меҳнат бозорига кириш тез амалга ўтади.

Жанубий Кореянинг Work-Study Dual System дастури корхона базасида иш жойида ўқитишни ва ўқув юртида назарий тайёргарлиқни уйғунлаштириди, HRD Korea расмий маълумотлари тизимнинг асосий тамойилларини баён қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) ҳужжатларида бу дастур ёшлар бандлигини ошириш ва малака мослигини яхшилаш учун миллий миқёсда қўлланаётган восита сифатида таърифланади. 2018 йилдаёқ 252 мингдан ортқ ходим қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдалангани кўрсатилган.

OECD ва Европа касб таълимини ривожлантириш маркази (CEDEFOP) наشرларида умумий манзара бундай тасвирланади: касбий таълим (VET) меҳнат бозоридagi малака танқислигини юмшатади, иш жойида ўрганиш компоненти кучли бўлган дастурлар эса корхона эҳтиёжига мос кўникмаларни тез шакллантиради. OECDнинг VET бўйича шарҳларида 25-34 ёш тоифасида ҳар уч кишидан бири энг юқори малака сифатида касбий йўналишини кўрсатган. CEDEFOP эса 2022 йилда ЕИ бўйича ўрта босқич битирувчиларининг қарийб ярми касбий йўналишдан чиққанини, бу оқимнинг бандлик кўрсаткичларига ижобий таъсирини таъкидлайди.

Ушбу статистик далиллар Ўзбекистонда йўлга қўйилаётган IDAK атрофидаги модель учун учта муҳим хулоса беради: биринчидан, корхона иштироки кучли бўлган шоғирдик ва амалиёт йўли ишга ўтиш вақтини қисқартиришда ҳамда ёшлар бандлигини юқори тутати; иккинчидан, электрон платформа орқали реал вақт режимидаги маълумотлар йиғилиши таълим дастурларини бозор талаби билан тез уйғунлаштиришга ёрдам

беради; учинчидан, шаффоф тўлов ва шартнома амалиёти корхоналар учун кадр тайёрлашга барқарор рағбат яратлади.

Тизим қачон кучга киради?

Қарорда белгиланган тизимни тўлиқ жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади. Бу жараён нафақат техник янгиллик, балки бошқарув маданияти ўзгаришини ҳам кўзда tutadi. Ҳар бир босқич ўзига хос вазифа ва муддат билан белгиланиб, умумий мақсадга — амалиётдан ишгача бўлган йўлни ягона рақамли тартибда бошқаришга хизмат қилади.

Дастлабки босқич 2025 йилнинг якунигача давом этади. Шу даврда платформанинг техник асослари яратилади, дастурий аппарат мажмуаси шакллантирилади, IDAK тизими учун ягона маълумотлар формати ишлаб чиқилади. Бу босқичда Олий таълим, фан ва инновациялар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари Ўзро ҳамкорликда ишлайди. Уларнинг вазифаси мавжуд ахборот тизимларини мувофиқлаштириш, платформанинг синон режимида ишга туширилиш, дастлабки натижаларни таҳлил қилишдан иборат. Шу босқичда айрим олий ўқув юртилари ва йирик корхоналар асосида тажриба лойиҳалари йўлга қўйилади. Бу тажрибалар орқали техник носозликлар, амалий муаммолар аниқланади ва тизимни мукамаллаштириш бўйича таклифлар тайёрланади.

Иккинчи босқич 2026 йилнинг 1 январигача мўлжалланган. Шу муддатга келиб, IDAK платформаси “Электрон ҳукумат”, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва бошқа идоралар ахборот тизимлари билан интеграцияланади. Ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларини шу платформада қайд этади, таълим муассасалари эса битирувчилар ҳақидаги маълумотни реал вақт режимида қиритади. Шу билан маълумот алмашинуви тўлиқ электрон шаклга ўтади.

Учинчи босқич 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини назарда tutadi. Шу даврда барча олий ва касбий таълим муассасалари, давлат ташкилотлари, корхоналар, хусусий сектор иштирокчилари платформадан мажбурий тартибда фойдаланади. Битирувчининг амалиётга чиқиши, ишга кириши, меҳнат шартномаси тузиши ва рўйхатдан ўтиши — ҳаммаси рақамли йўл билан бошқарилади. Бу босқичга келиб тизимнинг техник инфра-тузилмаси барқарор ишлаши, маълумотлар базаси ҳафсизлиги ва таҳлилий қуввати етарли бўлиши таъминланади.

Натижалар нуқтани назаридан, тизим ишга тушганидан сўнг биринчи йилнинг ўзиданоқ битирувчиларнинг бандлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Ҳар бир ўқув юртининг фаолияти рақамли натижаларга асосланади. Қайси соҳада ишга жойлашув юқори, қайси йўналишда талаб паст — булар очик рақамлар орқали аниқланади. Шу маълумотлар асосида таълим сиёсатини қайта кўриб чиқиш, янги мутахассисликлар очиш ёки мавжудларини қайта йўналтириш осонлашади.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугуннинг Гапи

БИЛИМЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШМОҚДА

Юртимизда ёшларнинг тадбиркорлик гоё ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириб, стартап ва инновацион лойиҳаларини рўйбга чиқариш мақсад қилинган. Президентимизнинг 2025 йилнинг 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам фикримиз далилидир.



Унда “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳасига мувофиқ, ижтимоий ўзини ўзи банд қилган ёшларга 7 йилгача муддатга 100 миллион сўмгача имтиёзли микроқарз ажратилиши белгиланган. Бу имкониятдан фойдаланиш учун ижтимоий солиқ тўлаган ёшлар 18 ёшга тўлган, аммо 30 дан ошмаган бўлиши керак. Қарз эса онлайн шаклда ажратилади. Унинг яна бир қўлайлиги, асосий қарз учун 2 йилгача ва фоиз тўловларига эса 3 ойгача имтиёзли давр берилади.

Сурхондарё вилоятида мазкур қарор ижроси доирасида 462 ёшга 57 миллиард 377 миллион сўм кредит ажратилди. Шу орқали 635 та янги иш ўрни яратилди. “Келажакка биринчи қадам” лойиҳаси асосида эса ҳозиргача 119 ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Уларга 3 миллиард 115 миллион сўм кредит берилди.

Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Шўрчи тумани Яқажоқ маҳалласида яшайдиган Шаҳодат Шаймардонова шундай ташаббускор

ёшлардан. У минглаб тенгдошлари қатори орзуларини рўйбга чиқарди. Президентимиз қарори асосида имтиёзли кредит олиб, курка боқишини бошлади. Натижа яхши бўлгани боис, қисқа вақтда тадбиркорлик фаолиятини кенгайттирди. — Куркачилик иқтисодий томондан самарадор. Чунки бозорда курка гўшти товۇқникидан қиммат сотилади, — дейди ёш тадбиркор Шаҳодат Шаймардонова. — Гўшти мазали ва парҳезоб бўлган куркаларнинг қўллаб-қоти бора. Хонаки хўлғо курканинг тирик вази

9-35 килограмм, макиёни эса 4,5-11 килограмм келади. Макиён куркалар 8-9 ойлигидея ерга оддийгина ин қуриб, туҳум қўйишни бошлайди. Бир йилда 70-90 та туҳум беради. Туҳумининг оғирлиги 80-88 грамм. Ҳар бир куркадан 40-60 бош жўжа олиш мумкин. Улар 4-5 ой боқилиб семиртирилса, 160-200 килограмм гўшт бўлади. Жанубий Кореяда тахсил олиб қайтган шўрчилик Ойбек Тошмирзаев ҳам кредит олиб ўқув маркази очди. Ҳозир туман таълимга хорижий тилларни ўргатмоқда. — Ёшлар хорижда тахсил олиб, ватанга қайтиб, мамлакат ривожига хизмат қилиши керак, деб ўйлайман. Яратилган шaroит ва ташаббуслар сабаб ўқув маркази ташкил этдим. Бу жой ёшлар учун нафақат билим манбаи, балки келажакда муносиб мутахассис бўлишлари учун катта имконият ҳамдир, — дейди Ойбек Тошмирзаев. Ёшларнинг ташаббуси қўллаб-қувватланаётгани боис, туманда маънавий-маърифий ҳаётини янада бойиб бормоқда. Бу борада ҳам

ёшлар фаол. Масалан, Абдулаҳат Муҳаммадиев ўзи яшаётган ҳудуд ёшлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида фаолият бошлади. У имтиёзли кредит асосида зарур спорт жиҳозларини сотиб олди. Ҳозир тадбиркор ташкил этган спорт залида қўллаб ёшлар шугулланмоқда.

Юртимизда ишбилармонлиқни илм билан уйғунлаштирган интеллектуал салоҳияти юқори, ихтирочи ёшлар сафи ҳам ортиб бормоқда. Ҳозиргача мато, металл ва бошқа саноат маҳсулотларига ранг беришда ишлатиладиган яшил ва қўқ пигментлар, асосан, хориждан олиб келинади. Энди бу маҳсулотлар ўзимизда тайёрланиши учун сурхондарёлик ёш олимлар замин яратди.

Термиз давлат университети ҳузурида илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Бу ердаги ёш тадқиқотчилар гуруҳи тинимсиз илмий изланишлари натижасида пигмент ишлаб чиқариш технологиясини яратди.

— Табiiй минераллар ва кимёвий бирикмаларни тўғри нисбатда аралаштириш учун юзлаб тажрибалар ўтказилган. Кимёвий формулалар, ҳарорат, зарарчалар ўлчам — ҳаммаси аниқлик ва сабр талаб этади. Ана шундай машаққатли иш натижасида яшил ва қўқ пигментлар ишлаб чиқариш технологияси яратилди, — дейди техника фанлари бўйича фалсафа доктори, тадқиқотчи Сардорбек Содиқов. — Сурхондарёда ишлаб чиқарилаётган бу пигментлар 2-3 баробар арзон, сифати эса халқаро мезонларга тўлиқ жавоб беради. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши ортидан юзлаб янги иш ўринлари очилди. Мухими, маҳаллий саноат корхоналари учун узлуқсиз ва ишончли хомашё манбаи шаклланади.

Бу каби лойиҳа мамлакатимизда илмга эътибор, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар ва унинг ҳаётий натижасидир.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

6

2025 йил 29 октябрь, 221-сон

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Хамза Умаров таваллудининг 100 йиллиги

Санъат тарихида шундай сиймолар бўладики, улар бутун бир миллатнинг бадийи тафаккури, руҳий уйғониши ва эстетик дидининг ифодасига, тимсолига айланади. Бу дарғалар вақт чегарасини кесиб ўтади — даврлар оша ўз қийматини йўқотмайди. Боиси, улар орқали миллатнинг ҳис-туйғулари, орзулари, оғриқ ва шодликлари гавдаланади. Шунинг учун бу номлар ҳақида гап кетганда, гўё қизил бахмал пардалар кўтарилиб, сахна чироқлари ёниб, ўша жонли лаҳзалар қайта тиралиди.

Шубҳасиз, театр ва кино оламида ҳам бундай қаҳрамонлар бор. Улар экран орқали халқнинг ички дунёсини, замон нафасини, инсоннинг руҳий изтироб ва орзу-умидларини акс эттирган. Улар орқали биз ҳаётнинг ўзи қандай бўлишини ҳис этамиз. Театрда ҳам, кинода ҳам улар қолдирган маънавий из авлодларнинг умумий хотирасини шакллантирган асарлар сифатида яшашда давом этаверади.

Шундай инсонлардан бири Ўзбекистон халқ артисти, актёр, режиссёр, дубляж устаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хамза Умаровдир. Унинг сахнадаги овози, теран нигоҳи, образга киришдаги ёндашуви ўз даврининг санъат мактабини яратган, бутунги авлод учун эса ўчмас илҳом манбасига айланган.

Устоз санъаткорнинг миллий кинематография, театр, телевизион театрда яратган қўлпаб роллари бетакорлиги, табиийлиги, жозибаси билан ажралиб туради. Айни пайтда хали-ҳануз миллий санъатимизда Хамза Умаровдек ўзига хос жарандор ва ўқтам овоз соҳибни чиқмагани санъаткор истеъдодининг нечоғлиқ улканлигидан дарак беради.

Хамза Умаров 1943 йили 10-синфда ўқиётганда ўз хоҳиши билан армия сафига кирази да уруш йилларида Болтқиўйида ташкил топган ўқчи дивизияда, сўнгра ўқчи полкда разведкани сифатида хизмат қилади. 1944 йилда оғир жараҳат олгани туфайли Ўзбекистонга қайтади. Икки йил ўтгач, “Ўзбекфильм” шуурндаги актёрлар студиясига ишга кирази. 1948 йилда эса театр ва рассомчилик институти актёрлик факультетининг учинчи курсига қабул қилинади.

1951 йилда институтини тугатгач, Маданият вазирлиги йўлланмаси билан Мўқимий номидаги муслиқ драма ва комедия театрига ишга юборилади. Режиссёр Мейселсинг “Мовий Дунай бўйида” спектаклидаги Витол Арвид образи Хамза Умаровнинг Мўқимий театри сахнасидаги биринчи роли ҳисобланади. Шундан сўнг у биргина Мўқимий театрининг ўзида юздан ортик спектаклда роль ижро этди.

Бундан ташқари, “Ўткан кунлар”, “Улуғбек юлдузи”, “Дахонинг ёшлиги”, “Чинор остидаги ҳуш” каби кинофильмларда бир-бирига ўхшамас роллари билан халқимиз меҳрини қозонади. Пессалар яратиб, улари сахналаштиришда ҳам жонбозлик кўрсатиб.

“Иван Васильевич”нинг раҳмати

— Ўзбекистон халқ артисти Хамза Умаров театр сахнасида 100 га яқин, кинода 70 дан зиёд роль ижро этган. Дубляжда 4000 дан ортик қаҳрамонга овоз берган. У 9 та пьеса ёзган ва театрда режиссёр сифатида 7 та спектакль сахналаштирган. Таржимонлик ва таҳрир соҳасида ҳам яхшигина қобилият соҳиби бўлган. Бундан ташқари, у 9 та спектаклни сахналаштириш жараёнида қатор режиссёрларга ассистентлик қилган, — дейди ЎЗР ФА Санъатшунослик институти кино ва телевидение бўлими катта илмий ходими, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ҳафиза Ниёзова. — Илк ижодий фаолиятини 1950 йилда Мўқимий

руҳиятини тўла-тўқис акс эттириш талаб этилади. Буюк немис шоири Гёте “Фауст” асарининг Жерар томонидан қилинган французча таржимасини ўқиб, немис тилида мен “Фауст”ни қайта ўқигим келмайди, лекин мана бу французча таржима мени ҳамон ҳажжонга солади, у соф, янги ва ўткир туюлади”, деган экан.

Хориж фильмларидан эстетик завқ олиш учун ҳам, биринчи навбатда, унинг таржимаси пухта бўлиши керак. Таржимоннинг сўз бойлиги қанчалик катта бўлса, у шунчалик тўғри, пишқик ва енгил таржима қилиши табиий. Аксинча, агар у биладиган сўз бойлиги “ўртча” одамнинг фаол сўз бойлигидан иборат бўлса, ундай ҳолда таржима қилинаётган асарнинг таъсири ҳам, нафосати ҳам, услуб гўзаллиги ҳам ўз даражасидан пастлайди. Шу бонс, фильм таржимони ўша киноасар муаллифи услубини, жанрини, қолаверса, персонажларнинг характер хусусиятларини, феъл-атворини

Саъна одами

ХАМЗА УМАРОВ УМР ДАФТАРИГА БИР НАЗАР

номидаги Ўзбекистон давлат муслиқали театрида бошлаган ижодкор бу билан чекланмайди. Ўзини дубляж соҳасида, кейинчалик эса кино санъатида ҳам сынаб кўради. Хамза Умаровнинг, айниқса, дубляж санъатида қўшган ҳиссаси бениҳоя катта. Буну у овоз берган қаҳрамонлар ҳам тасдиқлайди. Шу ўринда биргина фильмни мисол келтириш кифоя — “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” фильмида Хамза Умаров ҳар иккала давр образига ўзига хос тарзда овоз берган.

Дарҳақиқат, сахна ва экранда томошабин, энг аввало, нигоҳи-ла актёрни кўриб, унинг овози орқали қаҳрамонни қалбдан ҳис қилади. Шу маънода, Хамза Умаров томошабин қалбидан мустаҳкам ўрин оладиган бетакор образлар яратган ноёб истеъдод соҳибидир. У қайси қаҳрамонни қандай гапиртириш зарурлигини яхши англаган, чуқури актёр инсонларни кузатишни қанда қилмаган. У характер ва овоз уйғунлигига эришишда турли табиатли инсонларни ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганган. Бу билан Хамза Умаров образларининг бадиийлиги ва ҳаётийлигини таъминлаган.

Бир пайтлар асарнинг қандай таржима қилинганини баҳолаш учун унинг қанчалик содда ва тушунарли экани асосий ўлчов бирлиги ме-зон сифатида қаралади. Аммо бундай кўрсаткич таржима мухлисларини ҳам, таржимонларнинг ўзини ҳам қаноатлантирмайди. Бошқача айтганда, таржимондан асарнинг умумий мазмуни ва гоёсини эмас, муаллифнинг ўзига хос тили ва услубини, унинг бадийи ҳарорати ва

мукаммал билиши керак. Ундан сўнг мукаммал дубляж ушбу сўзлар кетма-кетлигига жозиба қўшади.

Совет даврида “Ўзбекфильм” дубляж студияси ўша пайтнинг энг илгор студияларидан бири ҳисобланган. Айниқса, Леонид Гайдайнинг “Ы операцияси ва Шурикнинг саргузаштлари”, “Кавказ асираси”, “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” сингари фильмларининг ўзбекча дубляжи чинакам санъат дурдоналарига айланган.

“Иван Васильевич касбини ўзгартиради” комедиясининг ўзбек тилидаги дубляжи эса асл вариантдан ҳам мукаммал бўлган ва чироийи чиққан. Ҳаттоки буну рус актёрлари ҳам алоҳида таъкидлаган. Масалан, фильм бош қаҳрамони Юрий Яковлев 1986 йили Москвада бўлиб ўтган киноанжуманда ушбу сўзларни айтган эди:

— Иван Васильевич кинокомедиясини Ўрта Осиё, қолаверса, бутун дунёдаги ўзбекзабон инсонлар юрагидан жой олишига сабаби бўлган Ўзбекистон халқ артисти, ажойиб дўстим Хамза Умаровга алоҳида миннатдорлик билдираман. Залда ўтирган Хамза Умаров бу сўзлардан кейин ўзбекона лутф ила кўлларини кўксига қўйиб ўрнидан туради. Залдаги қарсаклар эса узоқ давом этади.

Кўтарилган қош ва тарсаки сабоғи

“Театр ойнаи равшандир, ким унда нима-ни кўришни хоҳласа, шуни кўради. Ундаги

одамни хафа қилдим, ахир.

Бир куну бизда ишлайдиган бир қизнинг туғилган куну бўлди. Буфетда ўтирибмиз. Бир пайт Хамза Умаров кириб, қизни табриклади-да, озгина тин олиб:

— Мен йигирма кунча олдин бир болани хафа қилиб қўйгандим. Ҳой жингалак, бу ёққа кел, — деб мени қўли билан қақирди.

Тамом, тарсаки еганим етмагандай, ҳамма-нинг олдида изза бўлман, устоз пўстагимни қоқди. Иккилашиб бордим. Устоз чўчиб турганимни пайқадим, қўлини маҳкам сиқиди-да:

— Ўғлим, бошқа ҳеч қачон бу ишни такрорлама. Санъатта бепарво қарасанг, санъатни хор қилсанг, санъат сени ундан-да хароб аҳволга солади. Мудом фидойи бўл. Сени ранжитганим учун мени кечир, — деди.

Тасаввур қиляписми, Хамза Умаров меңдан узр сўрапти. Оёқларига йиқилиб, минбаъд бу қилиқни такрорламасликка ваъда берганман. Хамза ака шундай — театрдан ташқарида ҳам буюк, фидойи, меҳнатсевар ва оқил одам эди”.

Санъатга чексиз эҳтиром

“Менинг ҳурматимдан сахна ҳурмати бало-ла. Саҳна ҳурматидан томошабин ҳурмати устуи”, деган эди Хамза Умаров. Ҳақиқатан, у сахнани, санъатни, инсон қалбини ҳурмат қилишни ўргатган устоз бўлган. Бутун унинг овози, нигоҳи, ишга ва мухлисларга нисбатан

ҳурмати шоғирдларида, театр деворларидаги эсдалик суратларда, ҳар бир жонли сўзда яшаб турибди.

— Биз Хамза билан бир сахнага чиқишга чўчиб турадик, — деган экан Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пулатов суҳбатларидан бирида. — Чуқуи у сахнани “ўзиники қилиб оладиган” хатти-ҳаракатлари, овози ва юз-кўзи ифодалари билан партнёрларини ҳам ҳайратга сола оладиган тугма истеъдод соҳиби эди. Хамза Умаровнинг бошқаларга, айниқса, ёшларга намуна фазилатлари кўп бўлган. Бу одам ниҳоятда маданиятли, интизомли, ўзига ва бошқаларга ўта талабчан санъаткор эди.

— “Отам машҳур актёр” деган ўй хаёлимга келмаган. У инсон мен учун меҳрибон ва оилапарвар ота эди. Уни жуда кам кўрадик. Чуқуи у йилларда хали телевидение соҳаси унвалик яхши ривожланмаган, актёр ва қўшиқчиларнинг умри гастроль сафарларида ўтарди. Атрофимдаги инсонлар ҳам отанг санъаткор демасди. Назаримда, отамнинг машҳурлигини 10-синфда ўқиётганимда ҳис қилганман. Отам раҳматли ҳам ҳар нарсасга ўз кучим билан эришишимни истаган. Ўқишни тамолаб, Москвадан қайтган йилим кичик саҳналар ва ресторан залларида спектакллар намойиш этиб юрдик. Балки ўзбек театрларидан бирига борганимда отамнинг ҳурмати учун ҳам мени ишга олишарди. Аммо буну иккимиз ҳам истамганимиз, — дея хотирлайди Хамза Умаровнинг ўғли Шухрат Умаров. — Дадам “Ҳақиқий санъаткор умрини, ҳаётини, борлигини санъатга ростмана бағишлаган инсондир”, деб қўп таъкидлар, ўзи ҳам

шу сўзларга содиқ қолган ижодкор эди. Унинг бирор бўш дақиқаси бўлганини сира эслолмайман. Доим сахна асарлари, кино, дубляж, радиоспектакллар билан банд эди. Машинани тузата туриб ёки уйда бирор юмуш бажариш пайтида ҳам янги спектакль ёки фильм қаҳрамонлари сўзларини ёдлаб, такрорларди. Саҳнани юксак, томошабини, санъатни эса ундан ҳам юксак деб билиб, чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўларди.

“Унинг учун ролнинг катта-кичиги бўлмаган”

— “Ўткан кунлар”даги Ҳомид, “Алибобо ва қирқ қароқчи”даги Қароқчи, “Маҳаллада дув-дув гап”даги Умар, “Чинор остидаги дуэль”даги Ҳожимурод, “Шум бола”даги Султон кис-савур каби қаҳрамонлари орқали актёр ижро маҳорати, образга ёндашув услуби, техникаси, бадийи изланиш чегаралари чексизлиги каби хусусиятларни ўзида яққол акс эттира олади, — дейди Ҳафиза Ниёзова. — Маҳоратли актёр Хамза Умаров кичик бўлса-да, унга ишониб топширилган ролларида катта характер, яъни ҳаётий образларни яратга олган. Бунда унга ўткир нигоҳлари, маъноли қарашлари ва албатта, овози қийндан ёрдам берган.

Хамза Умаров учун ролнинг катта-кичиги бўлмаган. Унинг учун образ моҳиятини очиб бериш ва характерини турли бўёқларда кўрсата олиш муҳим ҳисобланган. Актёр фильммографиясини кузатар эканмиз, унинг ушқоқ роллари ҳам бош қаҳрамон каби аҳамият касб этганини тан олмай илож йўқ.

Хусусан, Хамза Умаровнинг “Ўткан кунлар” фильмидаги Ҳомид роли иккинчи пландаги қаҳрамон. Аммо унинг фильмида тутган ўрни ниҳоятда катта. Қаҳрамоннинг асарда назарда тутилган моҳияти актёр ижросида ўз максадига қай йўл билан бўлмасин етмасдан қўймайдиған, ўта-кетган худбин, кўрломас ва қотиллик даражасига боришга тайёр ярамас инсон. Актёр бу образ моҳиятини очишда унга нафақат салбий хислатларни сингдиради, шу билан бирга, атрофдагилар бундай қабиб ниятидан воқиф бўлмаслиги учун уни айёр қилиб кўрсатган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Бу Ҳомид ролининг мукаммал бадийи қиёфасини яратишда муҳим роль ўйнаган. Умуман олганда, актёр сиймосида салбий қаҳрамон чин маънода ҳаётийлик касб этган. Чуқуи у образ яратиш ишига алоҳида тайёргарлик кўриб, умрини бағишлаган, изланган.

Хамза Умаров бир-бирини такрорловчи образ яратишдан мулақо йироқ бўлган. Шу ўринда унинг Ҳомид образига зид бўлиши “Маҳаллада дув-дув гап” фильмидаги Умаржон образини эслаш ўринли. У ота-она раъйига қарши боришга журъат қилолмайди, бирок ич-ичидан ўзи кўнгил қўйган қиз билан бахтли ялашини истади. Онасининг қаттиққўллиги, отасининг бепарволиги, ўз навбатида, севган қизининг қатъияти Умаржонни ноқулай вазиятга солиб қўяди. Хамза Умаров ушбу ролда қалбан аэобланаётган қаҳрамон образини яратишда, асосан, сукут сақлаш ва имо-ишоралардан унумли фойдаланган. Бу Хамза Умаровнинг оператор В.Владимиров тасмага мухрлаган йирик пландаги нигоҳлари, кўз қарашлари, ҳўрснишларида яққол кўринади. Шу ўринда “Маҳаллада дув-дув гап” фильми режиссёри Шухрат Аббосовини санъатга етказган инсон Хамза Умаров эканини фаҳр билан тилга олиш жоиз.

Хамза Умаров ҳаёт йўлида ўзини ҳар жабада тоблаб, халқ меҳрини қозоган серқирра санъаткорлардан бири эди. Гарчи бу ижодкор бутун орамида йўқ бўлса-да, унинг сахна ва экран санъатида яратган бетакор роллари, дубляжда овоз бериб жонлантирган қаҳрамонлари уни бизга ҳамиша еслапти туради. Тинимсиз ижодий изланишлари сабабли “Бетакор актёр” ҳамда “Дубляж қироли” номларини олган Ўзбекистон халқ артисти Хамза Умаровнинг ажойиб роллари, овоз берган образлари, сахнада яратган персонажлари, ёзган сценарийлари ва режиссёрлик ишлари қалбларда абадий сақланиб қолади.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ШАҲСЛАР БУНДАН МАМНУНМИ?

Конимех туманининг Зафаробод шаҳарчасида истиқомат қиладиган Габет Сафаров юра олмайди. У узоқ йиллардан буён бўғим касалликлари асоратидан азият чекади. Аммо мураккаб жарроҳлик амалиёти учун хорижга боришга имкон топа олмасди. Молиявий қийинчилик туфайли муолажалар ортга сурилиши оқибатида бутунлай юролмай қолди.

Инсон қадри учун

Яқинда маҳалладаги ижтимоий ҳодим уни камбағаллик реестрига киритди. Бундан қаҳрамонимиз қалбида яна умид уйғонди. Мутахассислар кўригидан ўтгач, мураккаб жарроҳлик амалиёти вилоятнинг ўзида ўтказилиши айтилди. Буну эшитган Габет аканинг ишончи янада мустаҳкамланди.

Албатта, айни вақтда юртимизда мураккаб ва юқори технология жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда. Бунинг учун хорижга бориш шарт эмас. Габет Сафаров ҳам Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанди. Барча тиббий жараёнлар текин амалга оширилди. Айни вақтда 46 ёшли бемор яна юриш арафасида.

— Энди қайтиб юролмасам керак деган уйда қаттиқ тушқунчилик тушганда, — дейди Габет Сафаров. — Янги кунларгача бу каби мураккаб тиббий амалиётлар фақат хорижда ўтказилади дея ўйлардим. Молиявий имкомим йўқлиги туфайли юришдан умидимни узгандим. Маҳалламиз ижтимоий ҳодими камбағаллик реестрига киритиб, тиббий муолажалардан текин фойдаланишидан ёрдам берди. Инсон қадри улугланган юрда биз каби эҳтиёжмандлар ҳам эътибордан четда эмаслигига амин бўлдим.

Навоий вилоятида Соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидати тиббиёт марказларида камбағал оилалар реестридаги беморларга текин хизмат кўрсатишмоқда.



Ҳатто заруратга қараб жарроҳлик амалиёти ҳам текин бажариляпти.

— Ҳозир камбағаллик реестрида турган 66 бемор рўйхатга олинган. Уларни текин даволаш жараёни босқичма-босқич кечмоқда, — дейди Навоий вилояти

Соғлиқни сақлаш бошқармаси бош жарроҳи Ўткир Хушвақтов. — Улардан бирининг онкологик касаллик бўйича дори-дармон, 5 нафарининг буйрак кўчириб ўтказиш, 43 нафарининг турли жарроҳлик амалиёти, 10 нафарининг консерватив даво ҳамда 2 на-

фарининг тиббий жиҳозларга эҳтиёжи бор. 55 нафари давлат тиббиёт муассасаларида, 3 нафари эса хусусий шифохоналарда даволаниши режалаштирилган. Айни вақтда ушбу фуқаролардан 25 нафари стационар тартибда даволанимоқда. Пойтахтдаги марказий шифохоналарда даволаниш учун 14 фуқарога электрон имтиёзли йўлланмалар шакллантирилди. Шу вақтгача уларнинг 3 нафариди эндопротезлаш юқори технологик амалиёти, 3 нафариди отолорингология йўналишида ва 2 нафариди кўз касалликлари бўйича жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.

Тиббиётдаги ислохотлар натижасида вилоят, шаҳар ва туманлардаги шифохоналар ҳам янгича қиёфа касб этмоқда. Уларда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилимоқда. Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам шундай амалиётлар, жумладан, буйрак трансплантация қилинаётгани соҳадаги ютуқлардан далоллатдир.

Айни вақтда камбағаллик реестридаги 3 фуқаро донорлари билан бирга бирламчи тиббий текширувлардан ўтмоқда.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046. 34751 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев Мусаххих: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй	
Қабулхона: (71) 233-56-33	Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz	Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05	“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.	ЎЗА якуни — 01:40
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.					Топпирилди — 01:55